



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил "23" февраль

№ 312

Yangibozor tumani

**Бўстон маҳалласидаги "MANSURBEK  
MEVA SABZAVOTCHILIK" ишлаб  
чиқариш кооперативига кўшимча ер  
майdonи ажратиб бериш тўғрисида**

"Бўстон" маҳалласидаги "MANSURBEK MEVA SABZAVOTCHILIK" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари М.Рахимовнинг кўшимча равишда "Бўстон" маҳалласидаги 30 нафар ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш учун ер майdonи ажратиб бериш хақида ёзган аризасини кўриб чиқиб, "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуни, "Ер кодекси"нинг 6, 49-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 10-моддаларини қўллаб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Yangibozor tumani "Бўстон" маҳалласи ҳудудида фаолият кўрсатаётган "MANSURBEK MEVA SABZAVOTCHILIK" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари М.Рахимовнинг "Бўстон" маҳалласидаги иш билан банд бўлмаган 30 нафар ёшлар бандлигини таъминлаш учун ер майdonи ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига ёзган аризаси талаби қаноатлантирилсин.

2. "MANSURBEK MEVA SABZAVOTCHILIK" ишлаб чиқариш кооперативига туман ҳокимлиги захира ер фондида турган "Бўстон" массиви ҳудудидаги 188, 191, 192-контурларидаги умумий ер майdonи 11.2 гектар, шундан суғориладиган экин ер майdonи 10.2 гектар, ариқ ва зовурлар 0.6 гектар, йўллар 0.4 гектар ер майdonи кўшимча ажратиб берилсин.

3. "MANSURBEK MEVA SABZAVOTCHILIK" ишлаб чиқариш кооперативига кўшимча ер майdonи ажратилиши муносабати билан умумий ҳисобда "Бўстон" массиви ҳудудидаги 188, 191, 192, 206, 204к, 205, 210к, 209-контурларидаги умумий ер майdonи 30.6 гектар, шундан суғориладиган

экин ер майдони 27.8 гектар, ариқ ва зовурлар 2.2 гектар, йўллар 0.6 гектар ер майдони 30 (ўттиз) йил муддатга ижарага берилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га, мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ер ҳисоботиға тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ижара шартномаси тузиш вазифаси топширилсин.

5.Тегишли ташкилот ва корхоналар ўзларининг ҳисоботларига ўзгартириш киритиши топширилсин.

6.“MANSURBEK MEVA SABZAVOTCHILIK” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари М.Рахимовга:

-жами ажратиб берилган 27.8 гектар ер майдонидан белгиланган мақсадда оқилна фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилишини ташкил этиш;

-“Бўстон” маҳалласидаги ишсиз ёшлардан қўшимча равишда 30 нафар фуқароларни (жами 80 нафар) кооператив аъзолигига қабул қилиш;

-ер ижара шартномасини тузиш, тегишли ташкилотларга ҳисоботларни ўз вақтида топшириш вазифалари юклатилсин.

7.Мазкур қарорнинг тасдиғи халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритилсин.

8.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметов ва Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари С.Қўшимовлар зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



У.Курбанов